



2018 yil " 24., avgust № 439

Farg'ona shahri

“Ўзнефтмахсулот” АЖ Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖнинг Фарғона шаҳар “Истиқлол” марказий ўйингоҳи рўпараси, кичик халқа йўли бўйида жойлашган қурилиши тугалланмаган 2 та кўп қаватли турар-жой биноларини вилоят ҳокимлиги тасарруфига ўтказиш тўғрисида

Фарғона шаҳар ҳокимининг 30.12.2013 йилдаги 80-сонли қарори ва вилоят қурилиш бошқармасининг 2018 йил 17 августдаги 1-05/667-сонли таклиф хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида, Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 5,19-моддалари, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,22,36,37-моддалари ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6,25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Фарғона Қурилиш бош бошқармасининг 2018 йил 17 августдаги 1-05/667-сонли таклиф хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасига асосан ер майдонларидан самарали фойдаланиш чоралари кўрилмаганлиги сабабли Фарғона шаҳар ҳокимининг 2013 йил 30 январдаги 80-сонли Фарғона шаҳар “Истиқлол” марказий ўйингоҳ рўпараси, кичик халқа йўли бўйида “Ўзнефтмахсулот” АЖ “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ томонидан 2 та кўп қаватли турар-жой биноларини қуриш тўғрисидаги қарори бекор қилинсин.

3. Фарғона шаҳар “Истиқлол” марказий ўйингоҳ рўпараси, кичик халқа йўли бўйида жойлашган қурилиши тугалланмаган 2 та кўп қаватли турар-жой бинолари вилоят ҳокимлиги тасарруфига ўтказилсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Д.Ходжихмедов), Қурилиш бошқармаси (Ғаниев), вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжинеринг компанияси (Б.Абдуллаев) вилоят ҳокимлиги тасарруфига ўтказилаётган қурилиши тугалланмаган турар-жой биноларининг қийматини қайта хатловдан ўтказсин.

5. Вилоят Молия бош бошқармаси (Мирзаев) бир ҳафта муддатда қурилиши тугалланмаган объект мулкдори “Ўзнефтмахсулот” АЖ “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖга вилоят ҳокимлиги тасарруфига ўтказилаётган қурилиши

тугалланмаган бино иншоотлар қийматини қопланиши юзасидан тегишли таклиф киритсин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Д.Ходжихмедов), Қурилиш бошқармаси (Ғаниев) вилоят ҳокимлиги тасарруфига ўтказилаётган қурилиш тугалланмаган турар-жой биноларини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қурилиш ишларини олиб борилиши ва белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши юзасидан тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Ходжихмедов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш.Ғаниев